NAMANGAN HAQIQATI

VILOYAT HOKIMLIGINING NASHRI

82 – 83 – son (20409) | 22-oktabr 2026-yil

NAMHAQIQATI.UZ | NAMHAQIQATI | @NAMANGANHAQIQATI_RASMIY | NAMHAQIQATI | NAMHAQIQATI



Ижтимоий иллат

НАВБАТСИЗЛИК — МАДАНИЯТСИЗЛИК



Бугун дўкон ёки ташкилот кассаси олдида бор-йўғи уч-тўрт киши турган бўлса ҳам, навбатни бузишга уринадиганлар топилади. Кимдир шошиб-пишиб келиб, орқада турган танишининг олдига суқилиб олади, яна кимдир «Фақат биттагина нарсани сўраб оламан» ёки «Мени ўзлари чақиргандилар», деган баҳоналар билан бошқаларнинг ҳақини поймол қилади. Энг ачинарлиси, кўпчилик бундай ҳолатга очиқ эътироз билдирмайди. Андиша, истиҳола ва ноқулай вазиятга тушиб қолишдан қўрқиш сабабли ноҳақликка кўз юмилади. Ҳолбуки, навбатда турган ҳар бир инсоннинг вақти бирдек қадрли. Бир кишининг манфаатини деб бошқаларнинг вақтини ўғирлашни оддий ҳолат сифатида қабул қилиш - жамоат маданиятидаги жиддий муаммо.

Бу иллатнинг илдизлари фақат бугунги кун билан боғлиқ эмас. Ўз вақтида шаҳримизнинг марказидаги «Кичкинтойлар боғи»да катта раҳбар билан учрашув учун боғча болаларини саралаш жараёнида ҳам шунга ўхшаш манзарага дуч келганман. Юзлаб мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини бувижонлари етаклаб келган, айримлари эса бошқа болаларни туртиб, ҳатто оёқларини босиб ўтиб бўлса-да, ўз набираларини рўйхатга киритишга уринганди. Ўшанда бундай хатти-ҳаракатларга кескин муносабат билдиришга тўғри келган. Вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбари, марҳум Дилшода Дадажонова эса: «Бахтиёржон! Сиз мана шу ачаларни маймунга қиёслаяпсизми?» - деб сўраганди. Бу воқеа бир ҳақиқатни кўрсатади: катталарнинг ўз манфаатини деб қоидани бузиши болаларга қандай тарбия беради? Агар биз фарзандларимизга адолатни ўргатмоқчи бўлсак, аввало ўзимиз унга амал қилишимиз керак.

Яқинда дунёга машҳур тадбиркор ва филантроп, MrBeast номи билан танилган 28 ёшли Жеймс Ствен Дональдсоннинг Ўзбекистонга келиб, тарихий шаҳарларимизни зиёрат қилиши ҳақидаги хабар кўпчиликни қувонтирди. 2026 йил 12 июнь ҳолатига кўра, унинг YouTube тармоғидаги обуначилари сони 500 миллиондан ошгани қайд этилган эди. Бундай машҳур инсоннинг мамлакатимизга ташрифи туризм салоҳиятини халқаро миқёсда тарғиб қилиш учун катта имконият эди. Бироқ ижтимоий тармоқларда тарқалган видеоларда акс этган тартибсизликлар бу имкониятнинг салбий манзара билан боғланишига сабаб бўлди. Самарқандда блогерни кўриш учун кўплаб мухлисларнинг тўпланиши ўз-ўзидан айб эмас. Машҳур инсонга қизиқиш ва у билан суратга тушиш истаги табиий. Аммо қизиқиш хавфсизлик тўсиқларини бузиш, бир-бирини туртиш, болаларнинг йиқилиши ва жароҳат олиш хавфини келтириб чиқаришга айланса, буни мухлислик билан оқлаб бўлмайди. Тарқалган видеолар ҳақидаги хабарларга кўра, блогер тасвирга олиш ишларини тўхтатиб, шаҳарни тезда тарк этган, Бухоро ва Хивага шахсан бориш режаларини ҳам бекор қилишга тўғри келган. Бу ҳолат нафақат жамоат тартиби, балки мамлакатимизнинг халқаро имижи ҳақида ҳам жиддий ўйлашга ундайди.

Энди асосий савол: нега «Эрга навбат - шерга навбат», «Тегирмон ҳам навбати билан» каби мақолларни яратган халқ вакиллари айрим ҳолларда навбат кутишнинг энг оддий қоидасига амал қилишда қийналади? Муаммо фақат одоб-ахлоқда эмас, балки хизмат кўрсатиш тизимининг қандай ташкил этилганида ҳамдир. Агар ҳар бир инсон қаерда туриши, навбати қачон келишини ва кимдан кейин хизмат олишини аниқ билса, тортишувлар учун имконият камаяди.

Буюк Британияда эса автобус бекати, дўкон ва бошқа жамоат жойларида «Ким биринчи келган бўлса, ўша биринчи хизматни олади» тамойили муҳим ижтимоий келишув сифатида қабул қилинган. Албатта, бу мамлакатларда навбат билан боғлиқ муаммолар умуман йўқ, дегани эмас. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти - OECD маълумотларига кўра, тиббий ёрдам ва мутахассис қабули учун кутиш вақтини қисқартириш кўплаб мамлакатлар сиёсатида муҳим ўрин тутади. Демак, навбат маданияти шахсий интизом билан бирга самарали бошқарув ва хизмат кўрсатиш тизимига ҳам боғлиқ.

Бизда эса навбат қоидасини бузган одамга эътироз билдиришнинг ўзи баъзан алоҳида муаммога айланади. «Қўйинг, ўтиб кетаверсин», «У кишининг ишлари бор экан», деган гаплар билан ноҳақликка йўл очилади. Аслида, қоида ҳамма учун бир хил бўлиши керак. Агар бир кишига асоссиз имтиёз берилса, навбатда турган бошқаларнинг ҳаққи камситилади. Шу маънода, навбатда туриш шунчаки кутиш эмас, балки адолат, тенглик ва ўзаро ҳурматнинг кундалик синовидир. Бу маданиятни шакллантиришни мактаб давридан эмас, боғча ёшидан бошлаш зарур. Боланинг шахси ва одатлари шаклланаётган 3–7 ёш даврида катталарнинг шахсий намунаси айниқса муҳим. Ота-онаси навбатга амал қилган, бошқаларнинг ҳаққини ҳурмат қилган бола ҳам буни табиий қоида сифатида қабул қилади. Оила ва мактабгача таълим ташкилотларидаги тўғри тарбия келажакда жанжалларнинг олдини олиш, одамларнинг вақтини ва асабини асрашга хизмат қилади.

Буюк аждодларимиз ҳақидаги тарихий манбалар ҳам бугунги хатти-ҳаракатларимизга танқидий назар ташлашга ундайди. Ўрта асрларнинг машҳур олими ва адиби ал-Жоҳиз (777–868) «Фазойили атрок» («Туркийларнинг фазилатлари») асарида туркийларнинг ахлоқий фазилатларини таърифлаб, уларнинг ялтоқланиш, мунофиқлик, ёлғончилик, риёкорлик ва биродарга ёмонлик қилишдан йироқлигини таъкидлаган. Шунингдек, 2013 йил 26 октябрда Хива аркида ёдгорлик тахтаси ўрнатилган венгриялик шарқшунос олим Арминий Вамбери (1832–1913) ўзбекларни ҳалол, пок, виждонли, тўғри, софдил ва очиққўнгил инсонлар сифатида таърифлаган. Албатта, тарихий иқтибосларни бугунги жамиятнинг барча вакилларига бирдек татбиқ этиб бўлмайди. Аммо уларда акс этган ҳалоллик, виждон ва адолат каби қадриятлар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Миллий ғурур фақат аждодларимизнинг фазилатларини тилга олиш билан эмас, балки ўша фазилатларга кундалик ҳаётда амал қилиш билан намоён бўлади.

Хулоса шуки, навбатсизликни фақат одобсизлик деб баҳолаш камлик қилади. Бу - бошқаларнинг ҳуқуқи ва вақтини ҳурмат қилмаслик, жамоат тартибига беписандлик ва баъзан самарасиз ташкил этилган хизмат кўрсатиш тизимининг ҳам оқибатидир.

Бахтиёр ИСҲОҚОВ,
НамДУ ижтимоий фанлар факультети тарих кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

